

Аллоҳ гўзал зотдир

15:13 / 28.04.2017 2251

Бир киши Жаъфар ибн Муҳаммаднинг олдига келиб, фақирликдан шикоят қилди. Шунда Жаъфар ибн Муҳаммад унга қуйидаги шеърни ўқиб берди:

Бир кун қийналиб қолиб, бетоқат бўлма,

Қанча кунлар яшадинг қийналмай.

Ноумид бўлма, бас, бу нонқўрлик,

Шояд, Аллоҳ сени яна бой қилса.

Роббинг ҳақида яхши гумон қил,

Чунки, Аллоҳ энг гўзал зотдир.

Ушбу шеърни эшитган ҳалиги одам: “Ичимдаги ношукрлик ва бетоқатлик ҳисси кетди” деди.

Ҳоний Ҳожининг “Солиҳлар ҳаётидан минг бир қисса”

китобидан **Нозимжон Ҳошимжон** таржимаси